

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**70910209 - «НЕВРОЛОГИЯ» мутахассислиги (Неврология шифокори)**

**МАЛАКА ТАВСИФНОМАСИ**

**Тошкент - 2021**

## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

Тиббиёт олий таълим муассасалари

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълим муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгаш йигилишида маъқулланған.

2021 йил «16» август даги 4 -сонли баённома.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил  
“31” август даги 217 -сонли буйруғининг 3 иловаси билан тасдиқланган

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

## МУНДАРИЖА

1.	Умумий талаблар .....	5
1.1.	Ушбу малакавий тавсифнома давлат норматив ҳужжати ҳисобланади ва куйидаги ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.....	5
1.2.	Ушбу малакавий тавсифнома давлат норматив ҳужжати ҳисоланади ва куйидагиларни белгилайди.....	6
1.3.	Ушбу малакавий тавсифнома қуйидагилар учун мўлжалланган.....	6
1.4.	Ушбу неврология шифокори малакавий тавсифномаси қуйидаги ҳолларда қўлланилади.....	6
1.5	Неврология шифокори профессионал тасдиқланиши ва фаолият шартлари.....	7
2	Неврология шифокорига бўлган малака талаблар.....	7
2.1.	Неврология шифокори билимлари:.....	7
3.	Неврология шифокори томонидан олиб бориладиган аҳоли соғликни сақлаш ва диагностика ишлари.....	7
4.	Невралогия шифокори савиясидаги тиббий ёрдам ҳажми.....	9
5.	Невралогия шифокори ўзлаштириши зарур бўлган амалий кўникмалар ва компетенциялар.....	9
5.1.	Неврология шифокори томонидан кўрсатиладиган малакали тиббий ёрдам қуйидаги тоифадаги хизматларни ўз ичига қамраб олади:.....	14
6.	Неврология шифокорларининг узлуксиз касбий тайёргарлиги ва аттестациядан ўтказиш.....	16

## 1. УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий-тадқиқот институтлари, илмий-тиббий марказларида терапия соҳаси касалликларининг тарқалишини ва кечишини ўрганиш, эрта ташхислаш, даволаш, аҳоли ўртасида терапия соҳаси касалликларининг тарқалишининг олдини олишга ва касалликларнинг кечиши бўйича башорат бера олишга қаратилган илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш, соглиқни сақлаш тизимининг даволаш ва профилактика ташкилотларида (туман, марказий туман, шаҳар, марказий шаҳар, вилоят, республика шифохоналарида терапия бўлимлари, тез ва шошилинч тиббий ёрдам марказлари) ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланган ҳолда беморларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш, терапия соҳасидаги тиббий-ижтимоий вазифаларни бажариш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, соглиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларида терапия соҳасида комплекс масалаларни ечишни ўз ичига олади.

### 1.1 Ушбу малакавий тавсифнома давлат норматив хужжати хисобланади ва қуидаги хужжатлар асосида ишлаб чиқилга:

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ-637. 2020 йил, 23 сентябрь;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2017 йилдаги ПҚ-2956-сонли “Тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26.02.2018-йил 125-сонли “Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини бопқариш ва ташкил этиш бўйича давлат талаблари” буйруғи;

2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзиникўллаб-куватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари. тўғрисидаги” ПҚ-4063 – сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли қарори;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 125-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги “Тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта маҳсус касб хунар таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 209-сонли буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6035-сонли фармони.

## **1.2. Шифокор-невропатолог бўйича малакавий тавсифнома давлат меъёрий ҳужжати бўлиб, қуидагиларни белгилайди:**

- мутахассис-шифокори фаолиятининг асосий талаблари ва фаолият юритиш шартлари; ;
- шифокор-невропатолог бўлган малака талабларини;
- шифокор-невропатолог аттестациядан ўтказиш талабларини;
- шифокор-невролог олий тиббий олийгоҳларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўкув дастурларини унифицирлаш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида - шифокор-невропатолог тайёрланиш сифатини ошиши ва ушбу жараёнда маъсулият ортиб боришига замин яратади;
- “қайта алоқа” механизмларини амалга оширишда клиник лаборатор диагностика шифокорининг амалий фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши.

## **1.3. Ушбу малака тавсифнома қуидагилар учун мўлжалланган:**

- Ушбу малака тавсифномаси қуидагилар учун мўлжалланган
- тиббий олийгоҳлар ва уларнинг филиаллари;
  - соғлиқни сақлашни бошқармалари;
  - ушбу мутахассис меҳнатидан фойдаланувчи вазирликлар, бошқармалар, муассасалар ва ташкилотлар;
  - соғлиқни сақлаш маҳаллий бошқармалари;
  - даволащ иши муассасалари (қишлоқ врачлик пунктлари, оиласий поликлиникалар, кўп тармоқли марказий поликлиника, шаҳар, вилоят, республика даволаш-профилактика муассасалари, она ва болаликни ҳимоя қилиш ташкилотлари, санатор-курорт ташкилотлари, Республика Илмий-ихтисослашган марказлари) лабораториялари;
  - тиббий ассоциациялар.



## **1.4. Шифокор-невропатолог малакавий тавсифномаси қуидаги ҳолларда құлланилади:**

- үкув режалари ва дастурларини ишлаб чикишда, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашда, ушбу йұналиш бүйича мутахассисларга бұлган әхтиёжни башорат қилишда;
- касбий фаолиятни танлаш, жойлаштириш, қайта тайёрлаш ва малака оширишни такомиллаштиришда;
- 5A510109-Неврология йұналиши бүйича магистрларни якуний аттестациядан үтказиш учун Давлат имтихон комиссиясининг мақсад ва вазифаларини аниклашда;
- олий таълим муассасаларида хамда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институттериде тегишли фанлар бүйича үкув режалари, үкув дастурлари ва ишчи дастурларни ишлаб чикишда;
- шифокор-невропатолог касбий фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиб борища.

### **1.4. Шифокор-невропатолог профессионал тасдиқланиши ва фаолият шартлари**

шифокор-невропатолог – кенг доирадаги малакали мутахассис ҳисобланади ва ахолининг касалликларини ташхислаш, олдини олиш чоратадбирларини олиб бориши учун етарли назарий билим ва амалий күнікмаларга эга бўлиши талаб этилади.

шифокор-невропатолог ахолининг соғлиқни сақлаш соҳасида ўз профессионал фаолиятини Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг тиббий профилактика муассасаларининг тегишли йұналиш бўғинларида олиб боради:

-кишлөк врачлик пунктлари, кишлөк оиласиб поликлиникалари, шаҳар оиласиб поликлиникалари, кўп тармоқли марказий поликлиникалари, касалхоналар, тиббий марказлар ва даволаш муассасаларининг лабораторияларида;


-олий тиббий маълумотга эга бўлган мутахассислар фаолият юритиши лозим бўлган соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли номланиш асосида ташкилот ва муассасаларида;

-соғлиқни сақлаш ташкилотлари, олий ва ўрта маҳсус үкув юртларида, тегишли номланишда кўзда тутилган олий тиббий маълумотга эга мутахассислар эгаллаши мумкин лавозимларда.

## **1. 2. Шифокор-невропатолог бўлган малака тавсифномаси**

### **2.1. Шифокор-невропатолог билимлари:**


- соғлиқни сақлаш соҳасида Давлат сиёсати ва унинг амалга оширилишида барча бошқарув органларининг масъулияти;
- ЎЗР тиббиёт соҳасининг ривожланиш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, асосий йұналишлари);
- Соғлиқни сақлаш тизими ва уларда олиб борилаётган ислохотлар;



- Соглиқни сақлашни ривожлантиришнинг асосий сиёсий тамойиллари, стандартлари, истиқболлари;
- Ўзбекистон Республикасида неврология хизмати ташкиллаштиришни умумий масалалари, Шифохона ва туман субфилиаллари фаолияти, соғлиқни сақлашни бирламчи бўғинида катта ёшлилар ва болаларга тез ва шошилинч ёрдам хизматини ташкиллаштириш;
- неврология хизматини ташкиллаштириш асослари, унинг фаолиятини, неврология ходимларининг хукуқ ва мажбуриятларини, хизматидаги касалликлар турларини белгилаб берувчи асосий хужжатлар;
- тиббиётнинг замонавий муаммолари ва ривожланишининг магистрал йўналишлари, ички аъзолар касалликлари диагностикаси ва даволашда янги технологиялари;
- тиббиётнинг шошилинч холатлари ва касалликларининг эпидемиологик маълумотлари, этиологик ва хавф омилларининг таъсири, патогенезининг замонавий назариялари, таснифлари, диагностиканинг, шу жумладан эрта диагностиканинг замонавий усуллари, турли босқичларда даволаш схемалари, бирламчи ва иккиламчи профилактикаси, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш органларининг шошилинч тиббий ёрдам соҳаси ва хизматига тегишли буйруқ ва норматив хужжатлари;
- тиббиётнинг шошилинч холатлари ва касалликларини даволаш жараёнида компьютер технологияларининг ўрни, асосий элементлари, Интернет воситалари, ахборотлар қидириш, маълумотларни сақлаш ҳақида;
- операцион тизимлар, электрон почта, конференциялар ва тақдимотларни ташкиллаштириш.
- Врачлик амалиётида «команда» бўлиб ишлаш тамойиллари;
- тиббиётнинг шошилинч холатлари ва касалликларининг замонавий лаборатор-инструментал ва функционал текшириш усуллари;
- тиббиётнинг шошилинч холатлари ва касалликларининг эпидемиологияси, этиологик ва таҳдид омиллари, патогенезининг замонавий теорияси, таснифи, кечишининг клиник вариантлари, даволашнинг ҳар хил босқичларида дифференцияланган комплекс терапия, асоратларини даволаш, бирламчи ва иккиламчи профилактикаси;

### **3. Аҳоли саломатлигини сақлаш ва касалликларининг олдини олишда (профилактикасида) шифокор-невропатолог ўрни**

Шифокор-невропатолог фаолиятининг асосий йўналиши соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғимида профилактика ишларини олиб бориш, касалхона, клиника, тиббий марказлар қабул бўлимлари ва бўлимларида профилактика ишларини олиб бориш, хусусий тиббиёт муассасаларида лаборатор хизматларни ташкил қилиш ва амалга ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, ташхислаш – профилактика фаолиятида илфор, замонавий лаборатория усулларини жорий этиш, профилактик чора тадбирларни ташкиллаштириш бўйича тўлиқ ҳажмдаги



зарурий күнкімаларга эга бўлган юқори малакали мутахассис сифатида мустақил амалий фаолиятни амалга ошириш хисобланади.

Кўйида даволаш иши муассасалари (қишлоқ врачлик пунктлари, оиласий поликлиникалар, кўп тармоқли марказий поликлиника, шаҳар, вилоят, республика даволаш-профилактика муассасалари, она ва болаликни ҳимоя қилиш ташкилотлари, санатор-курорт ташкилотлари, Республика Илмий-ихтисослашган марказлари) неврология шифокори функционал вазифалари келтирилган:

- Аҳолининг тиббий онгини ошириш;
- Соғлом турмуш тарзи тарғиботи;
- Касалликлар олдини олиш чора тадбирларини ўтказиш;
- Касалликларнинг тарқалишини ва кечишини ўрганиш ва эрта ташхислаш;
- Аҳоли ўртасида касалликларнинг тарқалишини олдини олишга ҳамда касалликларнинг кечиши бўйича башорат бера олишга қаратилган текшириш фаолиятини олиб бориш;
- Соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш ва профилактика ташкилотларида ташхислаш ва профилактиканинг замонавий усулларидан кенг фойдаланган ҳолда bemorlarning тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилишни, комплекс масалаларни ечиш;
- Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи ва иккиламчи бўғинида режалаш ҳамда бошқарув фаолияти билан таъминлашни билиши лозим.
- 

#### 4. НЕВРОЛОГИЯ ШИФОКОРИ САВИЯСИДАГИ ТИББИЙ ЁРДАМ ҲАЖМИ

##### 4.1. Неврология шифокори томонидан кўрсатиладиган малакали тиббий ёрдам қўйидаги тоифадаги хизматларни ўз ичига қамраб олади:

1. Аҳоли орасида кенг тарқалган ва ихтисослаштирилган ёрдам лозим бўлган касалликларни олдини олиш, ташхислаш, лаборатор-инструментал текширувларни моҳирона ўтказа билиши шарт. Заруриятда мақсадли текширув режасини туза олиши, уларни тўғри таҳлил қила олиши ва ўз вақтида bemorlarни керакли мутахассисларга ихтисослашган ёрдам олишга йўналтира олиши даркор.

2. Ихтисослашган тиббий ёрдам зарур бўлган ўткир касалликларни эрта ташхислаш ва ўз вақтида биринчи шифокорга йўналтириш.

Давомий соглигига бузилишлари бўлган касалхона шароитида даволанган bemorlarни даволаш самарадорлиги баҳолаш ва диспансер кузатув ишларини олиб бориш.

#### 5. Неврология шифокорини компетенциялари:

##### Неврология


1. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликлар келиб чиқишини ва тарқалишини олдини олиш;
2. Касалликларнинг эрта диагностикаси, келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниqlаш, уларни бартараф этиш;



3. Атроф-мухитнинг инсон соғлигига заарли таъсирини бартараф этишга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш;
4. Даволаш тиббий кўриклар ўтказиш, соглом ва сурункали касалликлари бўлган ахолини кузатишни амалга оширишга тайёр бўлиш;
5. Аҳолини химоя қилишни ташкиллаштириш, чора-тадбирларни амалга ошириш;
6. Ахоли соғлиги тўғрисидаги маълумотларни қўллаган холда йигиш ва тиббий статистик тахлил қилиш;
7. Беморларда патологик холатлар, касаллик симптомлари, синдромларини аниклаш ва касалликлар ва соғлик билан боғлиқ муаммолар Халқаро статистик классификациясига асосланган холда касаллик нозологик шаклини аниклашга тайёргарлик;
8. Диагностик клиник-лаборатор текшириш усулларини қўллаш ва уларнинг натижаларини интерпретация қилиш;
9. Ахоли, bemorlar va ularning oila a'zolariida yuzi va atrofdagilarning soғligini saqlash va mustahkamlashga қаратилган мотивацияга тайёргарлик;
10. Tibbий muassasalar va ularning struktur tuzilmalariida fuqarolap soғligini saqlashni taşkilлаштириш va boşqariш tamoyillarini kўllash;
11. Acosiy tibbий статистик кўрсаткичларни қўллаган холда тиббий ёрдам kўrsatiш сифатига баҳо беришга тайёргарлик;
13. Коллективни бошқариш, ижтимоий, этник, конфессионал ва маданий фарқларни толерант қабул қилиш.

### **Неврология шифокорини билиши ва бажара олиши керак бўладиган амалий қўнималари:**

- неврологик кабинетни (булимни) жихозланиши;
- неврологик асобоб-ускуналарни билиш ва ишлата олиш;
- МАТ ва ПАТнинг патологияларининг нозологик шакллари ва уларнинг белгиланиши
- неврологик касалликлар натижасида ногиронлик гурухини аниклаш ва сабабларини билиш, ишга лоякатлигини аниклаш;
- суд-тиббиёт экспертизаси (тушунча)
- турли хил МАТ ва ПАТ кА салликлари бор bemorlarни диспансеризацияси услубини куллаш;
- тиббёт хужжатларини тугри олиб бориш;
- bemorlarни реабилитацияси усулларини билиш;
- бош мия, орқа мия ва периферик нерсв системасининг қон томир касалликлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- неврологик текширишлар ўтказишни;
- марказий ва периферик асаб тизимини анатомо-функционал хусусиятлари: асаб тизимини онтогенез ва филогенези; асаб хужайрасини морфологияси, периферик нервнинг тузилиши, орқа мияни морбофункционал



хусусияти, орқа мия заарланиш синдромлари, бош мия устуни морфофункционал хусусияти, заарланиш синдромлари (устунни альтернирашган синдромлари), тузилиши, функционал хусусиятлари, бош мия катта ярим шарлар пўстлогини цитоархитектоникаси (Бродман бўйича чизиклар, олий мия функцияларининг жойлашиши), орқа ва бош мия қобикларини тузилиши ва функционал характеристикаси, марказий асаб тизимини ангиоархитектоникаси.

- харакат сфераси ва унинг заарланиши: пирамида тутами йўлининг морфофункционал тузилиши, текшириш усуллари ва заарланиш синдромлари, экстрапирамидал тутам йўлининг морфофункционал хусусиятлари, текшириш усуллари ва заарланиш синдромлари, миячанинг тузилиши ва функционал хусусиятлари, текшириш усуллари ва заарланиш синдромлари.

- сезги сфераси ва унинг заарланиши: периферик рецепторлар тузилиши ва функцияси, оғрик ва температура сезги йўллари, текшириш усуллари ва заарланиш синдромлари, чуқур-тактил сезги йўллари, текшириш усуллари ва заарланиш синдромлари, сезги бузилиш тури ва семиотикаси, рефлекслар ва уларнинг бузилиши, физиологик рефлекслар, рефлектор ҳалқа, рефлекслар классификацияси, текшириш усуллари ва уларнинг диагностика учун аҳамияти, патологик рефлекслар.

- бош мия нервлари: анатомо-физиологик хусусияти хидлов, кўрув, кўз харакатлантирувчи, уч шохли, юз, дахлиз-чиганоқ, тилютқун, адашган, қўшимча, тил ости нервларни заарланиш симптомлари, мия устини заарланишида альтернирашган синдромлар, бульбар ва псевдобульбар синдромлар.

- олий мия функциялари ва уларнинг бузилиши.

- вегетатив нерв тизими ва заарланиш синдромлари: сегментар ва сегмент усти қисмларининг тузилиши ва функцияси, заарланиш симптомлари, симпатик ва парасимпатик қисмларнинг функционал хусусиятлари, заарланиш симптомлари, текшириш усуллари

- клиник неврологияда функционал текшириш усуллари:

электроэнцефалография, электронейромиография, эхоэнцефалоскопия, реоэнцефалография, ультратовуш допплерография, рентгендиагностика, компьютер томографияси, ядровий магнит резонанс тамография, ликвородиагностика, брахиоцефал томирларнинг ультратовуш допплерографияси, позитрон-эмиссион томография усулини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- махаллий анестетик блокадалар техникасини ўзлаштириш;

- касалларни клинико-неврологик текшириш ва анамнез йиғишини юқори дражада ўтказиш, турли неврологик касалликларда bemорларни юксак даражада олиб бориш ва кузатиш.

- текширув ҳажмини аниқлаш билан дастлабки ташхисни шакллантириш, ЭЭГни мустакил ўтказиш, ЭЭГнинг меъёрий ва патологик кўрсаткичлари ва уларга клиникада баҳо бериш, ЭНМГ: периферик асаб тизимининг хамда асаб

мушак аппарати касалликлариға ЭНМГ ахамияти, ЭхоЕС ва унинг бош мия касалликларини ташхис килишдаги ахамияти, РЭГнинг меъёридаги ва патологиядаги кўрсаткичлари, миянинг қон томир касалликларида РЭГ, рентген ташхиси ва маразий хамда переферик асаб тизимининг касалликларини ташхис қилишдаги унинг роли, КТ, ЯМР, ангиография, миелография, вентрикулографиява б.к.

- реанимацион чораларни ўтказиш (люмбал пункция, марказий веналарни пункцияси ва катетеризацияси)

- зарур даво-диагностик муолажаларни танлаш, реанимацион чораларни ишлаб чиқиши ўтказиш.

- зарур тиббий хужжатларни олиб бориш (амбулатор карта, касаллик тарихи) қуидаги касаллик ва холатларда: бош ва орқа мия қон томир касалликларида, бош мия пардалари яллигланиш касалликларида, моновиа полинейропатия, асаб тизимининг касалликларида, тарқоқ склероз, ён амиотрофик склероз, асаб тизимининг наслий касалликларида, асаб тизимининг шикастланишида, нерв системасининг паразитар касалликларида *тажриба ва кўникмаларига эга бўлиши керак..*

1. Коагулометрда йўриқномасига мувофиқ ишлаш.

## 6. ШИФОКОР-НЕВРОПОТОЛОГНИНГ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ

Шифокор-невропатолог ўз касбий билим кўникма ва билимларини ўзлуксиз мустақил ўқиши йули билан такомиллаштириб бориши лозим. Неврология шифокорлари олий тиббий ўкув муассасаларда, малака ошириш институтлари циклларида сертификат ва/ёки гувоҳнома олиб ўқишли мумкин

Шифокор-невропатолог соғликни сақлаш бошқармалари ёки халқаро ташкилотлар томонидан туман, вилоят, республика босқичларида ташкил этилган қиска муддатли ўкув курслари ва семинарларда қатнашиб, улар якунида сертификат, аттестат, гувоҳномалар олиб иштирок этиши лозим.

Кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида ҳар бир Клиник лаборатор диагностика шифокори ҳар йили аудит ўтказади.

Мухим шифокор ҳудуди бўйича лойиха тузиб, унинг натижалари даволали кенгашида муҳокама килинади.

Ҳар бир Неврология шифокори аҳоли соғлигини сақлаш ва тибий ёрдам кўрсатиш борасидаги ўтказилган ишлар бўйича ҳар йили хисбот тақдим этишга мажбур.

Ҳар 5 йилда Неврология шифокори ва педагог тегишли вазирлик томонидан белгиланган хажм ва даврда ўз малакасини тасдиқлаш учун малакавий атtestацион имтиҳон топширишга мажбур.



## **Малака тавсифномасини тузишда қуйидаги хужжатлар билан ишланган:**

1. Ўзбекитсон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меёрий хужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 12 августдаги 209 сонли бўйруғи.
3. 510000 – Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг давлат таълим стандарти.
4. Россия Федерацияси врач-терапевт касбий стандарти.
5. 70910209–Неврология магистратура мутахассислиги малака талаблари.